



ПАРДАЕВ Абдулқодир

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институты катта ўқитувчиси, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)
abdukodirpardayev@gmail.com*

КАЛОМ ИЛМИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

ИСТОРИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КАЛАМА

HISTORICAL FOUNDATIONS OF KALAM

Аннотация: Калом илми бўйича дастлабки асар қачон ёзилган? Калом илми вужудга келган вақтдан буён қандай номлар билан танилган? Муслмонлар ўртасида эътиқодий баҳс-мунозаралар бошланишига нималар сабаб бўлган? Қуръон ва суннат асосидаги калом илми ҳақида қачондан бошлаб сўз юритилган? Мақолада ушбу каби саволларга жавоб топиш мумкин.

Калит сўзлар: Аҳли сунна вал жамоа, мотуридийлик таълимоти, эътиқодий баҳс-мунозаралар, ақидада адашган фирқалар, тавҳид, имон ва ислом масалалари.

Аннотация. Когда был написан первый труд по каламу? Какими названиями был известен калам с момента своего возникновения? Что послужило причиной возникновения догматических споров среди мусульман? С каких пор началось развитие калама, основанного на Коране и Сунне? Ответы на эти и другие вопросы вы найдете в данной статье.

Ключевые слова: Ахль ас-Сунна валь-Джамаа, матуридитское учение, догматические споры, заблудшие секты, таухид, вопросы веры и ислама.

Abstract. When was the first work on Islamic theology (kalam) written? What names has kalam been known by since its emergence? What were the causes

of the theological debates among Muslims? When did discussions on kalam based on the Quran and Sunnah begin? This article explores these questions.

Keywords: Ahl al-Sunnah wa al-Jama'ah, Maturidi theology, theological debates, misguided sects in creed, Tawhid (Oneness of God), issues of faith and Islam.

КИРИШ

Бошқа илмларда бўлгани каби калом илмидаги турли баҳсли масалаларни ўрганишда аввало бу илмнинг тарихини мазкур масалаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни ўрганиш муҳим ҳисобланади. Калом илми турли асрларда хилма-хил номлар билан танилган. Калом илми ҳақидаги мақтовли ва танқидий фикрларнинг қайси бири тўғри экани билиш учун бу фикр соҳиблари назарда тутаётган маъноларни ўрганиш лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Калом илмининг шаклланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу илм бўйича ёзилган илк матнлар тобеинлар даврига тўғри келишини кўрамиз. Аллома Абул Мунтаҳо Мағнисовийнинг таҳқиқига кўра Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳу-л-акбар” асари аҳли сунна вал жамоа эътиқодига бағишлаб ёзилган дастлабки асар ҳисобланади.

Ақоид ва калом битта илмнинг иккита машхур номлари бўлиб, мазкур икки ном ўртасида асарларнинг тасниф услуби ва ҳар бир бобда келтирилган масалаларга кўра ақоид ёки калом китоби дейиш мумкин.

Калом илми вужудга келган пайтдан бошлаб “ал-Фикҳу-л-акбар” (энг катта фикҳ), “Калом илми”, “Усулу-д-дин илми” (дин асослари), “Ақоид илми”, “Тавҳид ва сифатлар илми”, “Тавҳид илми”, “Назар ва истидлол илми”¹ каби турли номлар билан машхур бўлган [1:21].

¹ Назар деганда мавжуд нарсалар тўғрисида фикр юритиш тушунилади. Яъни, мақсад қилинган номаълум нарсаларга эришиш учун зеҳндаги маълум ишларни тартиблаш ўша нарсаларга назар солиш ҳисобланади. истидлол деганда эса бирор нарсанинг бор ёки йўқлигини исботлаш учун далил излаш маъноси кўзда тутилади.

Ҳижрий I асрда ва II аср бошларида баъзи эътиқодий масалалар тўғрисида мусулмонлар ўртасида баҳс-мунозаралар бошланган. Бу баҳс-мунозараларнинг юзага келишига иккита асосий сабаб бўлган:

1. Ислом динининг кенг тарқалиши туфайли турли дин, фалсафа ва мафкурага эга инсонларнинг исломни қабул қилганлари ёки мусулмонлар билан аралашиб яшай бошлаганлари;

2. Ислом оламининг ичида жуда тезлик билан ўзаро зиддиятли сиёсий, ижтимоий ва маданий ривожланишнинг юзага келгани.

Мазкур сабаблар туфайли айрим эътиқодий масалаларда тортишувлар пайдо бўла бошлаган. Аммо бу тортишувлар дастлаб санокли масалалар атрофида бўлиб, улар асосан гуноҳи кабира содир этган мўминнинг ҳукми ҳақида, қадар ҳақида ва имомат масалаларида бўлган [5:13].

Мана шу ихтилофлар пайдо бўлганидан сўнг эътиқодий масалалар баҳс қилинадиган махсус давралар пайдо бўла бошлаган. Бу давраларнинг етакчилари, уларга эргашувчилар ҳамда бир-биридан фарқли қарашлар якқол кўрина бошлаган. Буларнинг самараси ўлароқ турли номлар билан аталадиган фирқалар шакллана борган. Аҳли сунна вал жамоа бу фирқаларни етакчиларининг исми билан ё килаётган асосий даъволари билан ё ажралиб турадиган бирор сифатлари билан номлаганлар.

Мазкур фирқаларнинг вакиллари хилма-хил эътиқоддаги шахслар бўлиб, уларнинг баъзилари ўзининг нотўғри эътиқодида ниҳоятда ҳаддан ошган ва исломдан чиқиб кетишга яқин қолган бўлса, айримлари исломга бегона бўлган турли фалсафий қарашларга ёпишиб олган эди. Бундай кимсалар эътиқод ҳақидаги сўзларга фалсафий қарашларни аралаштириб юборган эдилар. Тарафлар ўртасида бугун “фалон нарса ҳақидаги калом” номи остида, эртага бошқа бир “фалон нарса ҳақидаги калом” атрофида турли ақидавий баҳс-мунозаралар, қаттиқ тортишувлар борарди.

Шунинг учун ҳам жамият аҳли орасида мазкур шахслар машғул бўлган “калом” билан шуғулланишга шариат нима дейиши ҳақидаги саволлар баралла янграй бошлаган. Табиийки, мазкур шахсларнинг ҳолатларидан хабардор аҳли сунна вал жамоа уламолари бундай “калом” билан шуғулланишдан сақланиш лозимлигини қаттиқ таъкидлаганлар. Мазкур “аҳли каломчилар” ўртасидаги баҳс-мунозараларда содир бўлаётган нақлий далилларга нисбатан бепарво муносабатда бўлиш, қарши томонни кофирга чиқариш каби ҳолатлар уламоларнинг сўзлари ҳақ эканини кўрсатиб турарди. Ушбу даврларда аҳли сунна вал жамоа уламолари “калом илми” билан шуғулланишни қатъий равишда батамом ман қилганлар.

Кейинчалик “калом илми”нинг хатарли жиҳатларидан огоҳлантириш билан бирга, Қуръон ва суннат асосидаги “калом илми” ҳақида ҳам сўз юритганлар. Яъни энди “калом илми”ни мутлақо ман қилишдан уни жоиз ва ножоиз турларига ажратишга ўтилган. Бу ҳақида Ғазолий (450-505/1058-1112) “Илжамул-авам ан илми-л-калам” (авом халқни калом илмидан жиловлаб қўйиш) рисоласида, Муҳаммад ибн Иброҳим Вазийр (774-839/1373-1436) “Таржиху асалиби-л-Қуръан ала асалиби-л-юнан” (Қуръон услубларини юнонларнинг услубларидан устун қўйиш) китобларида баҳс юритганлар.

Шунингдек, Имомул Ҳарамайн (419-477/1028-1085), Ҳулаймий (338-403/950-1013) Байҳақий (384-458/994-1066), Ғазолий, Нававий (631-676/1234-1278) ва Ибн Асокир (499-572/1105-1176) каби уламолар бу илми ўрганиш фарзи кифоя ҳукмида бўлишини айтганлари ривоят қилинган. Абул Ҳасан Ашъарий (260-330/874-942) бу масалага бағишлаб “Истиҳсану-л-ховзи фи илми-л-калам” (Калом илмига киришни маъқуллаш) асарида “калом илми”га қарши чиққанларнинг далилларига жавоб берган.

“Калом илми” ҳақидаги мазкур баҳслардаги икки тарафнинг ҳам асосий далилларини ўрганиб чиқиш бу баҳсларнинг асоси нима эканини очиб беради.

“Калом илми”га қарши чиқиб, уни ўрганишдан ман қиладиганларнинг асосий далиллари қуйидагилар:

1. Қуръон ва суннатда тортишувдан қайтарилган. Муташобих оятларга эргашиб чуқур кетувчиларни “дилларида оғиши бор”лар, дея улардан огоҳлантирилган:

“Аммо дилларида “оғиш бор” кимсалар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг (Қуръоннинг) муташобих оятларига эргашадилар” (Оли Имрон сураси, 7-оят).

Муташобих оятларга эргашиб чуқур кетиш эса калом илмида бўлган. Шунинг учун калом илми билан шуғулланишдан сақланиш лозим бўлади.

Бу далилга калом илми олимлари қуйидагича жавоб берганлар: Ҳақиқатни билдириб қўйиш учун илмий баҳс-мунозара қилиш ёмон иш бўлмайди, балки у буюрилган иш ҳисобланади:

“Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!” (Наҳл сураси, 125-оят).

Шариатда ботил нарса учун тортишиш, илмсиз равишда баҳс-мунозара қилиш ман қилинган, аммо ҳақ йўлидаги тортишув вожиб ё мустаҳаб иш ҳисобланади. Қуръони каримда Нух (а.с.)нинг қавми билан узоқ баҳс- мунозара қилгани қавми тилидан баён қилинган:

“Улар: Эй Нух, батаҳқиқ сен биз билан тортишидинг, қўп тортишидинг” (Ҳуд сураси, 32-оят).

Маълумки, Нух (а.с.) қавми билан амалий масалалар тўғрисида тортишмаганлар, балки эътиқодий масалаларда тортишганлар.

Эътибор бериладиган бўлса, эътиқодий масалалар ва уларнинг далиллари батафсил баён қилиб берувчи оятлар Қуръони каримнинг асосий қисмини ташкил этишига гувоҳ бўлиш мумкин. Шунинг учун бу илмни ўрганиш фарзи кифоя ҳисобланади.

Калом илмига қарши чиқувчиларнинг иккинчи далиллари:

2. Саҳобалар энг яхши асрда яшаганлар ва динни бошқалардан кўра яхшироқ билганлар. Улар эса фикҳий ҳукмларни таълим олганлар ва бошқаларга ҳам уларни ўргатганлар. Аммо

“калом илми” билан асло машғул бўлмаганлар. Шунга кўра саҳобалар сақланган нарсадан биз ҳам сақланишимиз лозим.

Бу далилга калом илми уламолари қуйидагича жавоб берганлар: ҳақиқатдан ҳам саҳобалар бу илм билан машғул бўлмаганлар. Чунки уларда бунга эҳтиёж йўқ бўлган. Бунинг сабабини мутакаллим олимлардан бири бундай тушунтирган: “Саҳобалар бу илмга киришмаганлар. Чунки уларнинг ҳолати олдиларида уларга қарши жанг қиладиган ҳеч ким бўлмагани учун қуролланиш машаққатига ҳеч бир сабаб бўлмаган кишиларнинг ҳолатидек бўлган. Аммо биз эътиқодимизни инкор қилиб, бизга қарши чиқадиغانларга рўбарў келдик, ўзимизни ҳимоя қилишга, тўғрини нотўғридан ажратишга муҳтож бўлиб қолдик” [2:9].

Мазкур баҳслардан кўриниб турибдики “калом илми” деганда иккала тараф ҳам битта нарсани назарда тутмаган. Шунга кўра табиий равишда бир-бирига зид ҳукмлар айтилган. Шунинг учун ҳам баъзи замондош уламолар: “Ҳозирда ақоид илмини калом илми дейишдан кўра фикху-л-акбар дейиш афзал, чунки бундай аташда калом илми номидаги турли тухмат ва танқидлар йўқ”, деганлар [1:27].

Аллома Саъдуддин Тафтазоний² салаф³ уламолар калом илми билан шуғулланишдан қайтарганларда қуйидаги тўрт тоифадан бирини назарда тутганларини баён қилган:

1. Ҳақиқат аниқ-равшан бўлса ҳам унга бўйин эга олмайдиган мутаассиб. Бундай инсон калом илми билан машғул бўладиган бўлса, унинг мутаассиблиги янада ортиб кетади холос;

² Саъдуддин Тафтазоний. Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ. Хуросон ўлкасининг Тафтазон (ҳозирги Туркменистон ҳудудига тўғри келади) шаҳрида туғилган. Аллома Тафтазоний 712/1312 ёки 722/1322 йилда туғилган. Тафсир, ақоид, ҳадис, фикҳ, усулу-л-фикҳ, балоғат, мантиқ, наҳв ва луғат илмлари бўйича кўплаб асарлар ёзган. 792/1390 ёки 791/1389 йилда вафот этган.

³ Иброҳим Лақоний: “Салафи солиҳ сўзи мутлак ишлатилса саҳобалар тушунилади” деган. Шунингдек салафи солиҳлар сўздан тўртала мужтаҳид имомлар, Авзойи, Мужоҳид, Суфён Саврий, Суфён ибн Уяйна каби уламолар ҳам тушунилиши мумкин. Халаф уламолар деганда саҳобалар, тобеинлар ва табаа тобеинлардан кейинги уламолар тушунилади. Имом Заҳабий: “Мутақаддим ва мутаахир уламолар орасини ажратувчи чегара хижрий III асрнинг бошидир”, деган.

2. Калом илмидаги масалалар ва далилларни идрок қила олиш даражасида бўлмаган инсон. Бундай инсон ўзининг савиясидан юқори бўлган калом илмига киришадиган бўлса, имонга тааллуқли масалаларда ҳам иккиланиб қолиши мумкин;

3. Илмсиз мусулмонларга уларнинг тушунишлари қийин бўлган калом масалаларини ташлаб уларни шубҳага туширишни қасд қилган динсизлар;

4. Динни тушунишда унга умуман эҳтиёж йўқ бўлган чигал фалсафий қарашларга шўнғувчилар [4:46].

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Мовароуннахрда X-XI асрлар давомида калом илми алоҳида фан сифатида ривожланган ва турли номлар билан аталган. Калом илмини танқид қилган у билан шуғулланишдан қайтарган олимлар ҳам бўлган, аммо улар мутакаллимлар назарда тутган маънодан бошқа маъноларни назарда тутганлар. Саъдуддин Тафтазоний сингари олимлар калом илми ҳақидаги мактовли ва танқидий қарашларда кимлар қайси маънони назарда тутаётганини баён қилган ҳамда бу масаладаги қарама-қарши фикрлар ўртасидаги ҳақиқатни очиб берганлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. – Тошкент: Sharq, 2011. – Б. 585.
2. Доктор Ҳасан Маҳмуд Шофеъий. Ал-мадҳолу ила диросати илми-л-калам. “Идорату-л-Қуръан ва-л-улуми-л-исламия”. – Карачи Покистон. Иккинчи нашри 2001. – Б. 421.
3. Абу Ҳанифа. Ал-Олим ва-л-мутааллим. Муҳаммад Зоҳид Кавсарий таҳқиқи. Анвор матбааси. – Қоҳира. 1949. – Б. 60.
4. Имом Аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Шарҳу-л-Ақоиди-н-насафия. Муҳаммад Аднон Дарвеш таҳқиқи. Дору-с-Сирож. – Фотиҳ-Истанбул. Биринчи нашр 2020. – Б. 384.
5. Абдулқодир Абдур Раҳим. “Эътиқод дурдоналари. – Toshkent, Sharq, 2016. – 526 б.

6. Пардаев А.А. “Алоуддин Бухорийнинг “Рисала фи-л-эътиқод” асаридаги калом илми масалалари таҳлили”: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. Автореф. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2023, – 178 б.